

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга – Тошкент. Матбуотчилар кучаси,6 уй

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Олий Комиссарига – Тошкент. Шевченко кучаси,6

Халқаро Нобель комитетига

Халқаро ташкилотларга, матбуотларга

Инсон ҳуқуқи химоячиларига

Инсон ҳуқуқлари халқаро жамияти аъзолари, «Фукаролик жамияти» халқ харакати фаолларидан ва Маргилон йигитлари номидан

ОЧИК ХАТ

Маргилонлик Кумушбиби хануз камокда. Уни Маргилонлик «Ҳомид»лар фитна уюштириб қаматинди.

15.12.2005 йил.

Фаргоналик зиёлилар мустақил журналист Муътабар Тожибоевани сенатор ҳақида танкидий мақола ёзганлиги учун хибсага олишганлигини башорат қилишмоқда, бизни тахминимиз эса бошқача.

Купчиликни бир савол кизиктиради: Муътабар Тожибоева қандай аёл? Муътабар Тожибоевани ҳаётда мақсади нима? Нима учун М.Тожибоева фуқароларнинг химояси учун уз жонини хавф-хатарга қуйиб курашади? Ҳа, бизни ҳам дастлаб шу савол кизиктирган эди. Чунки биз ҳақиқат излаб узок йиллик тортишувларимиз самарасини бермагач, баъзи бир адвокатларнинг ҳуқуқимизни химоя қилиш учун мурожаат қилганимизда уларнинг катта миқдордаги гонорарини бола-чақаларимизга едирмай ичирмай тулаб, адвокатларнинг икки тарафлама уйинларидан натижага эриша олмаганимиздан сунг Муътабар Тожибоева ҳақида эшитиб колдик ва унга мурожаат қилишни уйладик. Бирок у ҳам адвокатлар сингари ката миқдорда пул сураса каердан олиб тулашимизни, агар пул бермасак адвокатлар сингари дардимизни эшитмай, юзини тескари буриб кетармикан деган фикрлар билан эшигига бош уриб бордик. Таажжубки, Республикага донги кетган Муътабар Тожибоева оддийгина бир куп қаватли уйдаги хонадонлардан бирида истикомат қилар экан. Унинг прокурор, судьяларники каби дангиллама ховлиси ҳам, тагида автомашинаси ҳам йук экан. У оддийгина, камтарингина аёл эканлиги бизни хайратга солди. У билан суҳбатлашганимиздан сунг химоямиз учун кулидан келганича ёрдам беришини айтди, пул ҳақида эса умуман тухталмади. Биздан ҳеч қандай моддий манфаатдорлик курмаган холда бизга салкам 1 йил давомида ҳуқуқимизни химоя қилишимизда ёрдам бериб келди.

Муътабар Тожибоева «Утган кунлар» асари қахрамони Кумушбиби каби жасур эди. Кумушбиби адолатсизликка Қарши исён қилиб хон хузурига бостириб борган ва ҳасад, фитна туфайли улимга маҳкум яқинларни кутқариб колган булса, замонамиз Кумуши Муътабар Тожибоева юзлаб, минглаб фуқароларнинг ҳамдарди булиб уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашга уз хиссасини қушган халқнинг суюкли кизи эди.

Муътабар Тожибоева ҳасадгуй, жирканч кимсаларни «Ҳомид» деб дустига, таниш-билишига хиёнат қилгувчи кимсаларни эса «Султонали» («Мехробдан чаён») деб атарди.

Республика «Моҳият» газетасининг 3 июн 2005 йил кунги 22-сонида журналист Кумуш Мирзакаримованинг «Таассуф: Яқинлик қулинган келмаса, ёмонлик қилма» руқни остида «Тан олиш машаққати» Фаргона вилоят прокурорининг собик уринбосари Маъруф Усмоновга» номли танкидий мақоласи Чоп этилганидаёқ Кумуш Мирзакаримова тахаллуси

билан Чоп этилган маколанинг хакикий муаллифи Муътабар Тожибоева эканлигини ҳамд
хам билгани йук.

Ха, Кукон шахар хокими – сенатор, Ўзбекистон Олий Мажлиси сенатининг Мудофаа ва
хавфсизлик масалалари буйича кумита раиси уринбосари Маъруф Аъзамович Усмонов
хакидаги «Тан олиш машаккати» Чоп этилган танкидий маколанинг муаллифи мустақил
журналист – «Ўзбекистон журналистлари ҳуқук ва эркинликларини химоя қилиш ташкилоти
хамда «Суз ва фикр эркинлиги кумитаси»нинг таъсисчиларидан бири, «Инсон ҳуқуқлари
халқаро жамияти» аъзоси, «Фукаролик жамияти» халқ харакати асосчиси, «Ўтюралар» клуби
инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ташкилоти раҳбари, Халқаро Нобель мукофотининг
«Тинчлик учун 1000 аёл Нобель мукофоти» номинанти Муътабар Тожибоева эди.

Ушбу мақола Чоп этилганидан кейин «Мохият»нинг ушбу сони вилоятдаги газета
дуқонларидан йиғиштириб олишгани ва Кумуш Мирзакаримова камокка олинганлиги хакида
Миш-мишлар тарқалди. Мақола муаллифи камокка олинмади. Лекин узок муддатлардан буён
унинг хонадони ва узини кузатаётган айгокчилар сафи кенгайди, энди 20-30 нафар айгокчилар
8-9 та автомашинада кечую кундуз кузатардилар.

Оддий халқ вакиллари билардики, Муътабар Тожибоева Ўзбекистон Республикаси
конунларини хар қандай амалдордан кура купрок хурмат қиларди. У хар қандай амалдордан
конунларга итоат этишини талаб қиларди. Унинг ният орзуси Ўзбекистонда фукаролик
жамиятини ривожлантиришга муносиб хисса кушиш эди.

Шу йилнинг август ойлари бошида Маргилон туманлараро фукаролик судидан кеч
қиқиб Тожибоеванинг хонадонига 3-4 киши борганимизда кизи «Хусан ака бир неча марта
телефон қилди. Аянғизга зарур гапим бор, бугун учрашимиз жудаям зарур» деганлигини
айтганида, Тожибоева у билан учрашмаслигини айтди. Орадан тахминан ярим соатлар
утгандан сунг телефон жиринглади. Определителда 33-34-35 рақам чиқди, Тожибоева
телефонни узи ҳам олмади, бизга ҳам олдирмади.

Тожибоеванинг кизи Махлиёхонни туйи арафасида ташкилий ишлар билан юрганимизда
бир кун кечки пайти менга нотаниш булган бир кимса келди. Хонадонда утирганлардан бир
нечтаси уша келган одамни танишар экан. Тожибоева зарур иш билан бир жойга кетганиди.
Шу пай уша келган одам, «Туй дастурхони учун 30 кг сазан балик мендан туёна» деди.

Туйга сотиб олишадиган нарсалар руйхатига 30 кг балик туёна деб ёзиб қуйдик.
Тожибоева тахминий қилган руйхатни кураар экан «Бу 30 кг балик кимдан туёна экан» деди.
Биз унинг йуқлигида келган Хусан ака 30 кг сазан балик туёна қилмокчи булганини айтсак
руйхатдаги баликни учуриб ташлади ва «балик керак эмас, айтиб қуйинглар» деди.

Туйдан 2 кун олдин яна келиб, «туйга айтмасаларинг ҳам келавердим, тақлифнома
берилар» деди. Кейин ташқарида турганларга «Ман Муътабарни хурмат қиламан, бирор зарур
нарсани туёна қилай, балик керакмас дебсизлар, унда жияним видео олади, синфдошим
расмчи, видео билан расм мендан туёна, факат илтимос, Муътабарга буларни манн туёна
қилаётганимни билдирманглар» деб илтимос қилди.

Туй куни Муътабар Тожибоева мени четга чақириб уша одамни курсатиб, куз кулок
булишимни, унинг хар қандай ифлосликдан қайтмаслигини айтди. Бир махал Хусан Рузматов
келган меҳмонларга «Биз Муътабархон билан биргаликда ишлаймиз, мен Андижонда,
Муътабархон Фарғонада» деб мактанаётган эди, мен уни четга тортиб ёлгон гапирмаслигини,
агар у Тожибоева билан ҳамкорликда ишлаганида танишимиз кераклигини, туйдан олдинрок
Тожибоевани атрофида парвона булиб қолганлигини билишимизни, агар яна ёлгон гапирса
туйхонадан чиқариб юборишимизни айтдим.

Туйда чарчаб тургани учун видео расмчини Хусан Рузматов туёна қилганини
Тожибоевага айтмадик.

Туйдан кейин Тожибоеванинг уйига келсам асабийлашиб турган экан, киришим билан
«Видео билан расмни Хусан Рузматов туёна қилганини Сиз ҳам биларминдигиз?» деб суради.

«Ха» десам, менга бақириб унинг канака жирканч одамлигини биласизми, у икки
томонга уйнайдиган, уз манфаати учун хар қандай ифлосликдан қайтмайдиган ифлос одам
деди-да, Рузматовни уйига телефон қилиб «Ман Сизнинг садақанғизга зор қолганим йук эди,
нима учун видеоци билан расмчини ман туёна қиламан дедингиз? Расмчига 5000 сум пул,
видеоцига 5000 сум олдиндан тулаган экансиз, уша 10000 сум пулингизни бутунок олиб

кетинг, видеоочи билан расмчи узим расче «кидим» деб гапирди. Телефонни аппаратини кулига олмай гапирётганлиги учун ҳам у томондаги одамни ҳам овози уй ичидагиларни барчасига баралла эшитилиб турди. Хусан Рузमतов Тожибоевага «Туёна килсам нима килибди, нима учун шунчалик мандан нафратланаверасиз, адашганим, ифлослик килганимни тан олиб кечирим сурадим-ку, яна канча вақт эзасиз мани» деди.

Тожибоева Бугунок 10000 сумни келиб олиб кетишини талаб килиб, жавобини кутиб утирмасдан алокани узди. Кейин бизга Хусан Рузमतовнинг кирдикорларини – Андижонлик Олий Мажлис депутати Мамаков деган одам билан бирикиб килган ишларини, жабрдийда булиб ёрдам беришини сураб келгани, кейинчалик жабрдийда эмас, Андижонбалиқдан қарздорлигини билгач, уни химоя қилмасдан қуйгач, Хусан Рузमतов узини устидан маъмурий органларга тўхматлар килиб ёзиб берганидан кейин ҳайдаб юборганини, Рузमतов узини обрусини тукиш учун турли хил ҳаракатлар килганини айтиб берди.

Тожибоеванинг айтишича, Хусан Рузमतовнинг кайногалари Фаргона вилоят прокуратурасида ишлаши, Андижон вилоят Улутнор туман прокурор ива терговчиси билан тил бириктириб килган жиноий ишлари буйича Президент Ислом Каримовга телеграмма юборганлигини айтиб берди.

У «Хусан Рузमतов Хомид, Содик, Султоналилардан кура жирканч, ифлос одам» деди. Хусан Рузमतов кайногаси Маргилон шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Адхамжон Курбоновнинг уйда ичкуёв булиб Юсуф Шакаржонов кучасида «Урам» маҳалласида яшаркан.

«Яқинда келганида «кайногам Адхамхожи жухидларнинг уйини сотиб олиб, қурилиш қилаётган пайтида усталар жуда ҳам қуп микдорда қумилган тиллони топиб олишганда, усталарга қатта пул бериб, ҳеч қимга айтмасликларини илтимос килиб чиқариб юборган. Топилган тиллаларни давлатдан яшириб қутуриб кетди. Ёзни бошида кизини туйини дахшатли килиб утказганди. орадан ҳеч қанча вақт утмасдан уйда босқинчилик булиб худо курсатди, уйдан чиққан тиллаларини давлатга топширмасдан яширганини текширтириш керак, қайси усталар ишлаганини билиб берсам, уша усталар билан гаплашмайсизми? Фақат бу маълумотларни мандан олганингизни ҳеч қимга айтмайсиз» деганида унинг қанчалар жирканчлигига яна бир бор амин буддим. Шунинг учун ундан ҳазар қиламан» деганди.

Ҳақиқатан ҳам Муътабар Тожибоева Хусан Рузमतовнинг ялтоқланиши шубҳали эди.

Муътабар Тожибоева хибсга олиншидан бир соат аввал ҳам биз билан Ирландияга кетиши юзасидан гаплашганимизда қунгли хижиллигини, Ирландияга юбормаслик учун ҳар қандай фитна уюштирилиши мумкинлиги, ҳаттоки йулда 2003 йилдагидек автоавария уюштиришлари ҳам мумкинлиги, ёки Андижонлик Абдували коридек самолётга чиқиб қайтиб тушмаслиги ҳам мумкинлигини айтиб асосан фалокатга учраши мумкинлигида ҳавотирланаётганди.

Тожибоева хибсга олинганидан буён унинг хибсга олиншига сабаб булган ҳолатлар ҳақида турлича таҳминлар юрибди.

Баъзи зиёлилар билан гаплашиб қолганимизда «Мохият» газетасида Қумуқ Мирзакаримова таҳаллуси билан Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва Ҳавфсизлик масалалари буйича қумита раиси уринбосари – Қукон шаҳар ҳокими Маъруф Усмонов ҳақида ёзган мақоласи учун қамалганини айтишмоқда.

Республика «Мулқдор» иқтисодий газетасининг бундан бир йил аввалги, яъни 2004 йил 17 декабр кунги 51-сонида «Масъулиятсизлик» номи танқидий мақолада жиноят содир этганликлари яққол баён қилинган қимсалар. «Бузокнинг югургани сомонхонагача, опачанглақ билан қираниб 2005 йил сентябр ойида вилоят прокуратураси олдида прокуратуранинг муассислигидаги «Адолат йули» газетаси журналистларини истеъфосини талаб қилиб пикет утказиб нимага эришдиларинг, мана «Мулқдор» даги мақоладан кейин прокуратур жиноятчини қамади, қалайсизлар энди» дея бизни мазахлашгача боришди. Қолаверса, ушб мақолада қурсатилган вақтарни урганиб қиксангиз эди, Сизларга ушбу ишнинг ораксид қанчадан-қанча жиноятчи амалдорлар борлиги, қолаверса ҳозирги қунга қадар қетма-ке жиноят содир қилиб қелаётган қонунбузарлар борлиги, уларга нисбатан ҳеч қандай қор қурилмай қелинаётганлиги ҳам аён булар эди.

12 декабр куни Озодлик радиосига берган интервьюсида Ўзбекистонни тарқатаётган халқаро Хюман Райтс Вотч ташкилотининг вакиласи Алисон Гел хоним Ўзбекистондан кетиш палласида Мамлакатда демократияни ривожлантиришга ҳисса қушган фаол фуқаролар, яқин дустлари панжара ортида утирганликларидан ачинишини гапирди. Уни азоблаётган хибсадаги кадрдонлари ичида Муътабар Тожибоева номини ҳам тилга олиб панжара ортидаги кадрдонларим, биз сизни ҳеч қачон унутмаймиз дея титроқ овоз билан гапирганида кузимдан ёш чиқиб кетди. Нахот ўзбек амалдорлари хурлаётган бир аёл тақдири хорижлик меҳмонни шунча изтиробга солса.

Биз Маргилонлик йигитлар жасоратли, қурқмас ҳамшаҳримиз Муътабар Тожибоевани хибсга олинишига сабаблар жуда ҳам қуплигини, буни билиш учун Фарғонага ташриф буюриб Муътабар Тожибоевани таниган, билган, эшитган инсонлардан унинг ҳақидаги фикрларимни урганишларингизни, қолаверса у химоя қилган фуқароларни, хиссадорларни, аёлларни, мулкдорларни, жамики химояга муҳтож булган камбағал бечораларни химояси учун олиб борган сайёи ҳаракатларини урганиб чиқишларингизни хоҳлар эдик. Ана шунда Муътабар Тожибоева ҳақиқатпарвар аёл эканлиги Сизларга маълум бўлади.

Биз Муътабар Тожибоевага фитна уюштириб уни қонунга зид равишда хибсга олишда нафақат «Моҳият»даги мақола, 2005 йил сентябр ойида вилоят прокуратураси биноси олдида утказган пикетимиз, балким жуда ҳам сабаблар қуплигини биламиз. Узининг қари ва касалванд отасини қалтақлаб, қарғиш олиб оқ қилинган, оқпадар Тохир Мамадаминовни ҳам, улар билан биргаликда Маргилоннинг ичкуёв «Ҳомид»и Хусан Рузматовни ҳам Тожибоевага фитна уюштиришда ташкилотчилардан бири деб ҳисоблаймиз. Хусан Рузматовдек жирқанч қимса бизнинг шаҳримизда яшашидан оқ қиламиз. Ҳақиқат, адолат учун курашган, камбағал, бечораларнинг химояси учун жон фидо қилган Муътабар Тожибоева билан фахрланамиз.

Маргилонлик йигитлар номидан Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилоят Инсон ҳуқуқлари химоя қилиш қумитаси аъзолари:

Фарҳод Охунбобоев
Кориев Улугбек
Алиёров Муҳаммадали

Марғилон шаҳар
Янги Марғилон шаҳарчаси
Гулшан кўча 3-уй

3-sh.
"zbekiston pochta" ochiq aksiyadorlik jamiyati

800-sonli KVITANSIYA

Buyurtmali 3/2 xatlar o'zbek qabul qilindi.
(maxsus belgisi) banderollar

Qaerga Tashkent sh

Kimga BMT Inson Huqu. O. Kom

Qabul qildim _____
(imzo)

3-sh.
"O'zbekiston pochta" ochiq aksiyadorlik jamiyati

299-sonli KVITANSIYA

Buyurtmali 3/2 xatlar o'zbek qabul qilindi.
(maxsus belgisi) banderollar

Qaerga Tashkent sh

Kimga U. D. Narshobiy

Qabul qildim _____
(imzo)